

9-1-2018

## Establishment of tourism and recreational facilities and recreational facilities in Namangan region

Z.T Abdulhakimov

*Namangan Engineering - Technological Institute, Namangan, 160115, Uzbekistan, Zuxriddin-75@mail.ru*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

---

### Recommended Citation

Abdulhakimov, Z.T (2018) "Establishment of tourism and recreational facilities and recreational facilities in Namangan region," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2018 : No. 4 , Article 15.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2018/iss4/15>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ТУРИСТИК-РЕКРЕАЦИОН БАЗАЛАР ВА РЕКРЕАЦИОН ОПТИМАЛ ЖОЙЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

**Абдулхакимов Зухрали Турсуналиевич,  
НамМТИ катта ўқитувчиси  
E-mail: [Zuxriddin-75@mail.ru](mailto:Zuxriddin-75@mail.ru)**

**Аннотация:** Ушбу мақолада туризм ва рекреация соҳасига эътибор қаратилган бўлиб, Наманган вилоятида янги туристик-рекреацион объектлар ташкил этилиши, уларни самарали фаолият кўрсатишлари бўйича оптимал жойлаштириш ва бу объектларга рекреантлар жалб этишда гравитацион моделлардан фойдаланилган.

**Аннотация:** В этой статье основное внимание уделяется туризму и отдыху с использованием моделей гравитации для создания новых туристических и рекреационных объектов в Наманганской области, оптимизации их эффективного функционирования и рекреационного набора для этих объектов.

**Abstract:** This article focuses on tourism and recreation, using gravity models to create new tourist and recreational facilities in Namangan region, optimize their efficient functioning and recreational recruitment for these objects.

**Калит сўзлар:** туризм ва рекреация, рекреацион фаолият, рекреацион объект, рекреацион ресурс, туристик-рекреацион минтақа ва кластерлар, гравитация модели, оптимал жой, гравитацион халқалар.

### Кириш

Дунё хўжалиги бугунги кунда шиддат билан ривожланиб бораётган бир даврда кўплаб давлатларда туризм ва рекреация соҳасини жадал ривожлантириш талаб этилади. “Дунё амалиётини кузатадиган бўлсак, рекреация ва туризм, рекреация ресурсларидан самарали фойдаланиш, рекреацион фаолият соҳаларини чуқур ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотларни, жумладан, минтақаларда рекреация ресурсларини ўрганиш, рекреацион объектларни ўрганиш, рекреацион-туристик инфратузилмаларнинг ҳолати, минтақаларда кичик туристик зоналарни (тоғ-рекреацияси, даволаш-соғломлаштириш, сув-пляж, тарихий-маданий рекреация) ташкил этиш, минтақада рекреацион-туристик индустрияни ривожлантириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан саналади” [2].

Дунё мамлакатларидаги туризм ва рекреация соҳасида чуқур таркибий ўзгаришлар таъсирида мамлакатимизда ҳам бу соҳани ривожлантиришга эҳтиёж сезила бошлади. Ўзбекистон туристлар оқими бўйича дунёда 150-ўринда, мамлакат туризм соҳасининг иқтисодий ҳиссаси ЯИМда атиги 2 фоизни ташкил этади [1], дунёда ўртача кўрсаткич 10 фоиз атрофида бўлиб, мамлакатимиз Президенти томонидан Ўзбекистонда бу кўрсаткични яқин йилларда 5 фоизга етказиш мақсад қилинган. Ҳозирги пайтда Наманган вилоятида “2018-2021 йилларда Наманган вилояти туманларида туризмни ривожлантириш дастурлари” тайёрланди. Ҳар бир туманнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда туман дастурлари ишлаб чиқилди.

### Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Рекреация ресурсларидан фойдаланиш масалаларини тадқиқ этиш ва соҳага оид илмий тадқиқот ишлари билан кўплаб хорижлик олимлар шуғулланишган. Бу

борада Ф.Котлер, Д.Мейкенз, Н.Ф.Раймерс, И.Г.Коль, А.Гетпер, У.Зилтенер, У.Мартини, Г.Печланер [3] ва бошқалар.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида тўғридан-тўғри чегара ҳудудларни шаклланишида туризм ва рекреация объект сифатида қаратилган илмий ишлар билан Н.Зайцев, Л.Мажар, Н.Казаков, Г.Карповой, Л.Семенов, Д.Севастьянов, Е.Шарафановлар, туризм ва рекреацияда туристик-рекреацион тизим, туристик-рекреацион ҳудуд, туристик-рекреацион кластер, туристик-рекреацион минтақаларни барпо этиш бўйича А.Александров, А.Зырянов, А.Митрофанов, [5] И.Драгилев, А.Дунец, В.Корнеев, Д.Мирзеханов, А.Митрофанов, Д.Николаенколар илмий тадқиқот ишлари олиб боришган [4].

Мамлакатимизда рекреациянинг илмий масалалари билан З.М.Акрамов, Э.А.Аҳмедов, З.Маҳаматиллаев, А.Зокиров, А.Юсупов, Ш.А.Азимов, А.С.Солиев, А.А.Рафиқов, Б.Н. Наврўз-Зода, замонавий шароитда туризмни ривожлантириш муаммолари билан Қ. Абдурахманов, Н.Тўхлиев, И.Тўхлиев, О.Ҳамидов, А.Норчаев, Ш.Файзиева, А.Эштаев, Д.Усманова, Б.Сафаров, М.Алимова каби мамлакатимиз олимлари шуғулланишган. Шунингдек, Х.Алимов, Р.Усманова, З. Усмановалар туризм ва рекреация масалалари ва муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришган [8].

Ушбу олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида рекреациясини предмети ва объекти, рекреацион фаолият, рекреацион атамалар, рекреация ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқот методологияси**

Илмий тадқиқот натижалари давомида қиёсий таҳлил, тизимли таҳлил, анализ ва синтез, SWOT-таҳлил, индукция, дедукция усулларида фойдаланилган.


#### **Таҳлил ва натижалар**

Шу мақсадларга эришиш учун минтақаларда рекреацион оптимал жой танлаш зарурдир. Наманган вилоятида бир қатор оптимал жойлаштириш базаларини ташкил этиш, уларнинг фаолияти олиб бориш самарадорлигини ошириш масалалари долзарб саналади.

Биринчидан, туристик-рекреацион жойни аниқлаш, минтақада рекреацион ресурслари, уларнинг салоҳиятини ўрганиш, рекреантларни қабул қилиш ҳажмини ўрганиш, зарур инфратузилмани ташкил этиш, туристик-рекреацион маршрутлар тузиш, бу объектларга рекреантларни узлуксиз келишларини таъминлаш, уларни жалб этиш бўйича замонавий усулларни қўллаш;

Иккинчидан, туристик-рекреацион объект фаолиятини назорат қилиш, хизматлар бажарилиши, хизматчилар тайёргарлиги, хавфсизлик чораларини кўриш, рекреантларни хизматлардан фойдаланишни назорат қилиш;

Учинчидан, туристик-рекреацион объект самарадорлигини оширишда хизматларни таҳлил қилиш ва такомиллаштириш, рекламани йўлга қўйиш ва шартномалар тузиш, рекреантларни истак-хоҳишини сўровномалар орқали ўрганилади.



**1-расм. Рекреацион база ташкил этиш, фаолиятини назорат қилиш ва самарадорлигини ошириш модели**

Манба : Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси

Юқорида берилган расмда рекреацион база ташкил этиш, фаолиятини назорат қилиш ва уларни самарадорлигини ошириш моделида Наманган вилоятида туристик-рекреацион объектларни қўлай оптимал жойлаштириш таклифи берилмоқда. Наманган вилоятининг туристик-рекреацион муҳит салоҳиятини ўрганиб чиқайлик. Бу эса ўз навбатида туризм ва рекреация индустриясини жозибадорлигини белгилаш имконини беради. Бунинг учун туристик-рекреацион ресурсларни (туристик ва дам олиш масканлари - СДОМ) Т ҳудудда жойлашган деб ҳисоблаймиз ва уларнинг ҳар бири маълум йўналишлар билан тавсифланади. Бу борада  $i$ - туристик ва дам олиш масканларининг рекреацион салоҳияти ёки рекреацион жозибадорлиги кўрсаткичини -  $P_i$  билан белгилаймиз.  $P_i$ ,  $i = \overline{1, m}$ ; қийматлари кўпроқ эксперт баҳолаш усули ёрдамида аниқланади. Туристтик комплекслар (ТК) нинг муайян Т ҳудуддаги оптимал турар жойни танлаш учун Т ҳудуднинг харитаси (ёки картографик тасвири) бир нечта тўртбурчакларга  $\Pi = [a, b] * [c, d]$  ажратилиган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Декарт координаталар системасида  $xOy$  (яъни вектор майдонида  $R^2$ )  $\Pi$  тўртбурчакни қўйидагича белгилаймиз:

$$\begin{aligned} a^\circ x_0 &= \operatorname{argmin}\{x: (x, y) \in T\}, \\ b^\circ x_N &= \operatorname{argmax}\{x: (x, y) \in T\} \\ c^\circ y_0 &= \operatorname{argmin}\{y: (x, y) \in T\} \\ d^\circ y_M &= \operatorname{argmax}\{y: (x, y) \in T\} \end{aligned}$$

Бу ерда  $\{x: (x, y) \in T\}$  ёзув муаммонинг ечими  $x_0$  деган маънони англатади. Шу маънода бу турдаги бошқа ёзувлар ҳам мавжуд. П тўртбурчак (ҳудуд) бўйича  $T(T \subset \Pi)$  шарт ўрнатилади. П тўртбурчакни (Т ҳудудни)  $\Delta = \Delta x \cdot \Delta y$  бўлакларга ажратамиз.

Бу ерда

$$\Delta x = \bigcup_{k=0}^N \{X_k\}, \quad \Delta y = \bigcup_{l=0}^M \{Y_l\}$$

$$X_k = x_0 + kh_k, \quad k = \overline{0, N}$$

$$Y_l = y_0 + lh_l, \quad l = \overline{0, M}$$

$$h_k = \frac{b-a}{N}, \quad h_l = \frac{d-c}{M}$$

Бу ерда  $h_k = h_l$  эканлигини ҳисобга олиш керак.

$\Delta^{(T)} \subset \Delta$  бўлиб,  $\Delta$ , Т ҳудуддаги барча тугунлар йиғиндиси бўлсин.  $j = \overline{1, n}$  индекслар бўйича  $\Delta^{(T)}$  ни барча тугунларини санаб чиқамиз ва  $P_j$ -рекреацион салоҳиятининг  $j$ -инчи тугуни (яъни  $x_j - y_j \notin \Delta^{(T)}$  тугун)  $(x - x_j)^2 + (y - y_j)^2 < R^2$  доира ичидан танланади. Бу ерда R-радиус (км.да).

Бунда  $P_j$ -рекреацион салоҳият қўйидагича аниқланади:

$$P_j = \sum_{i \in I_j} \pi_i$$

Бу ерда  $I_j$  – ва дам олиш масканларининг кўрсаткичлар тўплами, улар тугун марказидан  $(x_j, y_j)$  масофа узоқда ва R км.дан ошмаган масофада жойлашган.

Туристик-рекреацион объектларини жойлашишини танлаш стратегияси: туристик-рекреацион объект шундай жойлаштирилиши керакки, бунда дам олиш салоҳияти максимал даражада бўлиши керак.

Ўзгарувчилар қўйидагича таснифланади:

$$O_j = \begin{cases} 1, & \text{агар туристик – рекреацион объектлари } (x_j, y_j) \\ & \text{нуқтадан танланган бўлса,} \\ 0, & \text{бўлади акс холда} \end{cases}$$

$$a_{ij} = \begin{cases} 1, & \text{агар туристик – рекреацион объектлар ва дам олиш масканлари} \\ & \text{R – } (x_j, y_j) \text{ нуқтага яқин бўлса,} \\ 0, & \text{бўлади акс холда} \end{cases}$$


Т ҳудудида туристик-рекреацион объектларни оптимал жойлаштириш модели дискрет дастурлашнинг кейинги вазифасидир:

$$\max \sum_{j=1}^n p_j z_j$$

$$\sum_{j=1}^n a_{ij} z_j \leq 1,$$

$$z_j = 0, 1; \quad j = \overline{1, n}, \quad i = \overline{1, m}$$

Ушбу муаммони ҳал этиш учун туристик-рекреацион объектларини маҳаллий ҳудудларнинг рекреация салоҳияти максимал бўлган нуқталарга жойлаштириш керак. Ана шундай жойлашган туристик-рекреацион объектларга рекреантлар ва дам олувчиларни жалб этиш учун гравитация моделларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Гравитацион моделларни ўрганиш асосида Наманган вилоятидаги жойлаштирилган туристик-рекреацион объектларга дам олувчиларни тортиш йўналишлари берилган. Бунга доимо ташкил этилган туристик-рекреацион минтақалар, кластерлар, кичик зоналар, объектлар ташкил этилганлиги, улардаги жойлар миқдори, келувчиларга яратилган шароитлар интернет манбаларига жойлаштириш, онлайн тарзда дам олувчи жойлашиши мумкин бўлади, тўловларни амалга ошириш, туризм-рекреацион фаолият тўғрисида батафсил маълумот олишлари зарур.



## 2-расм. Гравитацион ҳалқалар

Манба : Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси

2-расмда Гравитацион моделларни ишлаб чиқишда “Гравитацион халқалар” таклиф этилмоқда. Бу ҳалқаларнинг асосий моҳияти Наманган вилоятидаги туристик-рекреацион объектлар, кичик туристик зоналар ва кластерларга дам олувчиларни жалб этиш йўналиши берилган.

**Биринчи босқичда,** 2 миллион 603 минг кишилик Наманган вилоятида истиқомат қилувчи аҳолининг дам олишини ташкил этиш керак. Уларни бу объектларга йилнинг тўрт фаслида жалб этиш зарур. Бунинг учун вилоятдаги давлат ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий тадбиркорлар, маҳаллий аҳоли иштирокида туристик-рекреацион объектлар ва кичик туристик зоналар, кластерлар иштирокчилари мавсум олди маълумотлари, дам олиш бўйича реклама ишларини олиб боришлари зарур.

Шу орқали вилоятнинг туристик-рекреацион объектлари ва зоналарида йил давомида рекреантлар билан таъминлаш мумкин бўлади.

**Биринчи босқичда,**

1.Вилоятнинг юқоридаги объектларига 6 миллион 390 минг киши аҳолиси бўлган Фарғона ва Андижон вилоятлари дам олувчиларни тортиш талаб этилади. Бу жараёнда рекреацион объектларнинг фаоллиги даражаси билан боғлиқ.



2. Тошкент минтақасида (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти) яшовчи аҳолини вилоятнинг ўзига хос томонларини реклама қилиб, 5 млн 164 минг кишилик минтақа бўйлаб бундай тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш зарур.

3. Мирзақўл минтақаси (Жиззах ва Сирдарё вилоятлари) 2 млн 27 минг 200 киши истиқомат қилувчи бу минтақани унутмаслик лозим.

4. Зарафшон минтақаси да (Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятлари) 6 млн 356 минг 400 киши истиқомат қилувчи катта ҳудудда биринчи навбатда вилоятнинг тоғ массивлари, санаторий-курортлар, туристик базалар бўйича кенг тарғибот ишлари олиб бориш керак.

5. Қуйи Амударё минтақасида (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти) 3 млн 518 минг киши истиқомат қилади. Экологик ҳолат орқасидан аҳоли ўртасида тарқалган касалликларни даволаш ва олдини олиш учун вилоятнинг даволаш-соғломлаштириш объектлари, болалар оромгоҳлари юқоридаги ҳудудда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришлари керак бўлади.

6. Жанубий минтақада (Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари) 5 млн 463 минг 500 аҳоли яшайди. Бу ҳудудда ҳам экологик ҳолати бузилган туманлар аҳолисини ўртасида даволаш-соғломлаштириш объектлари, туристик базалар, болалар оромгоҳлари бўйича маълумотларни кўпайтириб, аҳолини жалб этиш ишларини жадаллаштириш зарур.

**Иккинчи босқичда**, Наманган вилоятига чегарадош бўлган Қирғизистон Республикасининг Ўш, Жалалобод вилоятлари аҳолисини ҳам вилоятнинг рекреацион объектларга, даволаш-соғломлаштириш масканлари, болалар оромгоҳлари, туристик базаларига жалб этиш ишларини йўлга қўйиш, Янгиқўрғон тумани Нанай қишлоғи орқали Подшоотасой зиёратгоҳига транзит йўлни таклиф этиш.

**Учинчи босқичда**, вилоятга МДХ давлатларидан келувчилар сонини ошириш мумкин. Бунда Чортоқсой, Шаханд, Косонсой, Ниҳол, Сарикамиш каби бошқа санаторийларга жалб этиш ишларини олиб бориш.

**Тўртинчи босқичда эса** узоқ хорижий давлатлар аҳолисини вилоятга ташрифларини амалга ошириш мумкин. Бунинг учун вилоятда барпо этилаётган “Афсона Наманган” кўнгилочар парки, “Наманган-Сити”, Поп туманидаги “Экопарк”, янгидан барпо этилиш кутилаётган Янгиқўрғон туманидаги “Нанай” кичик туристик зонаси, Чуст туманидаги “Ғовасой” кичик туристик зонаси ва “Чуст-Сити” инновацион-ҳунармандчилик шаҳар кластери, Поп туманидаги “Парда Турсун” кичик туристик зонаси, Тўрақўрғон туманидаги “Ахсикент” тарихий-археологик парки, “Шаханд” даволаш-соғломлаштириш кластери, “Чортоқсой” даволаш-соғломлаштириш кластерларининг ўрни юқоридир.

### **Хулоса ва таклифлар**

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Наманган вилоятида туризм ва рекреацияни ривожлантириш учун етарли имкониятлар мавжуд бўлсада, ҳозирги пайтда бундан етарли даражада фойдаланилмапти. Ушбу соҳани ривожлантириш учун эса қуйидагиларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Вилоятдаги мавжуд рекреация ресурсларни аниқлаш ва рекреация гуруҳларига ажратиш;

2. Рекреацион база ташкил этиш, фаолиятини назорат қилиш ва самарадорлигини ошириш модели ишлаб чиқиш;

3. Наманган вилоятида кўплаб туристик-рекреацион объектлар, базалар, туристик-рекреацион минтақалар, зоналар, кластерлар барпо этиш;

4. Рекреацион объектлар бўйича республика ва хорижий ва интернет манбаларида маълумотлар базаларини ташкил этиш ва доимо янгилаб туриши;

5. ГИС-технологиялар асосида вилоятнинг рекреацион ресурслари, объектлари, фаолият билан шуғулланувчилар тўғрисида виртуал туризмни ривожлантириш керак;

6. Рекреацион маълумотлар манбасини кўплаб чет тилларда тайёрлаш керак.

Вилоятда рекреацион фаолиятни ривожлантириш бир қатор омиллар таъсирида ташкил этилади:

1. Наманган вилоятида турли иш юзасидан сафарларни ташкил этиш, туристик объектлар бўйича экскурсияларни амалга ошириш;

2. Вилоятда хизмат кўрсатиш тизими даражасини ошириш, нарх-наволарни мақбуллаштириш;

3. Туристларга хизмат кўрсатувчи транспорт тизимлари фаолиятини такомиллаштириш;

Уларни қулай жойларга жойлаштириш асосида туристик-рекреацион объектлар фаолиятини ривожлантириш имкониятлари очилади. Вилоятда ташкил этилаётган туристик-рекреацион объектлар истиқболдаги ривожланиш йўналишларини аниқлаш ва улар фаолиятини доимо барқарор фаолият олиб боришлари учун бу объектлар фаолиятини назорат қилиш зарурдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш истиқболлари ва унинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти» мавзусида матбуот анжуман маълумотлари. 15.01.2018 йил

2. Кропина Е.Г. Теория и практика формирования и развития трансграничных туристско-рекреационных регионов. дис. на уч.степ. г.ф.д. Калининград. 2016 г

3. Douglas Pearce. Tourism Today: A Geographical Analysis. Second Edition Edinburgh Cate, Hallow. 1997

4. Мироненко Н.С., Твердохлебов И.Т. Рекреационная география. М.: 1981

5. Кусков А.С., Голубева В.А, Одинцова Т.Н. Рекреационная география. Учебно-методический комплекс. С-2008

6. Мироненко Н.С, Твердохлебов. Рекреационная география. М.1981

7. Усманова Р. Қашқадарё вилояти геотизимларидан рекреацияда фойдаланиш-ни оптималлаштириш. дис. г.ф.н. Қарши 2001

8. Усманова З.И. Ўзбекистонда туристик-рекреацион хизматларни ривожлантириш хусусиятлари ва тенденциялари. иқт. фан.бўй. фалсафа доктори (PhD) дисс.автореферат, Самарқанд, 2018